

МАСЬУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ



ОБЩЕСТВО ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

## «АНДИЖОНФУКАРОЛОЙИХА»

ШАРТНОМА №87-16/2022

Жалакудук тумани «Бештол» МФЙ даги 220 уринли 73-ДИМИ филиали биносини реконструкция килиш учун ЛСХ, АРТ хужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назорати

БУЮРТМАЧИ: «Ягона Буюртмачи хизмати»ИК

4311 200

170026 Андижон шахар, Бобур шох кучаси 2. тел.: 226-18-62

Андижон шахар – 2022 йил.

№ 87-16/2022  
Лойиҳа-смета ҳужжатларини  
тайёрлаш ҳақида пудрат шартномаси

2022 йил «10» маён

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси унинг директори Б.Абдурахимов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Андижонфукаролойиха» МЧЖ ва унинг раҳбари О. Мирзаев иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Пудратчи”: Жалакудук тумани «Бештол» МФЙ даги 220 уринли 73-ДИМИ филиали биносини реконструкция килиш учун ЛСХ, АРТ ҳужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу ишшоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва ишшоотлар курилишига лойиҳа – смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан **15** кунга белгиланган

1.5 “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пудратчи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзғартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблаглари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбай хисобидан амалга оширилади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1 “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

- “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошка бошлангич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

#### 2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учунчи шахсга бермаслик;

### **3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган биржа танловларнинг 2022 йил “04”май №22110012078186 - сонли ЛОТ га асосан 2022 йил 06 майдаги танлов комиссиясининг баённомаси билан 56 400 000 (эллик олти миллион турт юз минг) сўм булиб :

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг 30 фоизлик микдорида бўнак (аванс), бу 16 920 000 (ун олти миллион туккиз юз йигирма минг) сўмни ташкил килади.

3.2 Қолган 70 фоиз 39 480 000(уттиз туккиз миллион турт юз саксон минг) сўмни ташкил килади.

3.3 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта қўриб чиқилмайди.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисбот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

### **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган мўддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равища тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга хақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва хакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пеня тулади.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пудратчи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлади. Аммо бунда пенянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганилиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборияган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пеняниң умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5. Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради:

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларига ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб килишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хакидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равища оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиласилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб килишга хаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс-мажор» ҳолатига тенг хисобланади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-баннда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичидаги хабардор қилишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

## 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиши, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андикон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

## 10. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
«Ягона буюртмачи хизмати» ИК Андижон ш. Навоий шохкўча 45 уй Тел: 223-08-28 ШХВ: 100021860034017096521075026 СТИР: 200 238 014; ОКОНХ: 69 000 Ўзб. Респ. Молия вазирлиги Ғазначилиги; Ғазна х/р: 23402000300100001010 МБ ХККМ Тошкент шахар МФО: 000 14 СТИР 201 122 919 Компания директори М.ў.	«Андижонфукаройиха» МЧЖ Андижон ш., Бобур шох кучаси 2 уй Тел.: (+998-74) 226-18-69 х/р: 20208000100405999001 «Миллийбанк», Андижон филиали МФО: 00074, СТИР: 200240242 ОКОНХ: 66000 Рахбар М.ў.
Б.Абдурахимов	О.Мирзаев

Сулсоҳб Ҳ.Ф. Рахбар

## Х У Л О С А

Жалакудук тумани «Бештол» МФЙ даги 220 уринли 73-ДИМИ филиали биносини реконструкция килиш учун ЛСХ,АРТ хужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назорати бўйича тузилган 2022 йил «10» маён 87-16/2022 сонли шартнома (контракт) лойихасини шартларга мослигини текшируви бўйича

Юкорида курсатилган шартнома текширилиб, куйидагилар аникланди:

1. Томонларнинг ушбу шартнома (контракт) асосида келиб чикувчи муно-сабатлари Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари» тугрисидаги конун асосида тартибга солинади.
2. Тузилаётган шартнома (контракт)нинг шакли ва шартлари Узбекистон Республикаси фукаролик кодексининг талабларига (353,354,356,107,108 моддалар) ва «хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий асослари» тугрисидаги конун талабларига (25-34 моддалар) мос келади.
3. Томонларнинг шартнома шартларини бажармаганликлари ёки талаб даражасида бажармаганликлари учун мулкий жавобгарлиги бўйича чоралар Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари» тугрисидаги конунга (25-34 моддалар) мос равишад белгиланган.
4. Томонларнинг уртасида пайдо буладиган низоларни хал килиш тартиби «Узбекистон Республикасининг Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий асослари» тугрисида конуннинг 17-19 моддаларига, Узбекистон Республикасининг фукаролик кодексига ва Узбекистон Республикасининг хужалик Процессуал Кодексининг 23,24,26,27 моддаларига мос равишда белгиланган.
5. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилиши Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Экспорт-импорт жараёнларини такомиллаштириш ва урганиш (мониторинг) чоралари» тугрисидаги 416-сони карор билан тартибга солинади.



Юрист: Раззаков Д.

Раззаков Д.